



ABOUT HISTORICAL TOPONYMS IN THE TERRITORY OF JIZZAKH AND SYRDARYA PROVINCES

K.M. Khakimov

Jizzakh State Pedagogical University

D. Berdibekova

National University of Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: geographical object, geographical name, toponym, historical toponym, ravat, sardoba, caravanserai, caravan road.

Received:

Accepted:

Published:

Abstract: In the article, the causes and tasks of the emergence of historical, indigenous (substrate) toponyms located in the territory of Jizzakh and Syrdarya regions, as well as their current status, are analyzed based on historical sources with the help of specific examples in research methods and the solution of existing problems in this field.

ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ХУДУДИДАГИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАР ҲАҚИДА

К.М. Хакимов

Жиззах давлат педагогика университети

Д. Бердибекова

Ўзбекистон Миллий университети

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: географик объект, географик ном, топоним, тарихий топоним, равот, сардоба, карвонсарой, карвон йўли.

Аннотация: Мақолада Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида жойлашган тарихий, тубжой (субстрат) топонимларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва вазифалари ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолати аниқ мисоллар ёрдамида тадқиқот методларидаги ҳамда бу соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечими аниқ мисоллар ёрдамида тарихий манбаларга асосланиб таҳлил қилинган.

ОБ ИСТОРИЧЕСКИХ ТОПОНИМАХ НА ТЕРРИТОРИИ ДЖИЗАКСКОЙ И СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТЕЙ

К.М. Хакимов

Джиззакский государственный педагогический университет

Д. Бердибекова

Национальный университет Узбекистана

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: географический объект, географическое название, топоним, исторический топоним, рават, сардоба, караван-сарай, караванная дорога.

Аннотация: В статье анализируются причины и задачи возникновения исторических, абортгенных (субстратных) топонимов, расположенных на территории Джизакской и Сырдарьинской областей, а также их современный статус на основе исторических источников с помощью конкретных примеров в исследованиях. методы и решение существующих проблем в этой области.

КИРИШ

Қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг ёзишича, «ким ном маъносини тўғри аниқласа, у жойни ҳам яхши билади».[1] Дарҳақиқат, ижтимоий эҳтиёж маҳсули бўлган жой номларида аниқ маънога эга бўлган турлича тарихий, лисоний, географик маълумотлар мужассам, шу сабабдан топонимга тарихийлик нуктаи назардан тўғри ёндошиб, унинг ҳамма таркибий қисмлари тўғри таҳлил қилинсагина изоҳ ишонарли бўлади.

Таниқли номшунос олим Ҳ.Ҳасанов «жой номларига қараб қадимий савдо йўллари, этник гуруҳларнинг тарқалиш ареали, қалъа ва манзилларнинг ўринлари, сув ва доволарнинг хосиятлари, фойдали қазилмалар, чўлларда қудуқлар бор-йўқлиги, жойнинг иқлимий хусусиятлари, ҳунар-қасб турлари, тарихий воқеалар ва бошқа хил маълумотларни билиб олиш мумкин, буларнинг ҳаммаси халқ хўжалиги, маданиятимиз тарихи учун жуда муҳимдир» деб таъкидлаган [6].

АСОСИЙ ҚИСМ

Шунинг учун, тарихий топонимларнинг кўпгина фазилатлари қаторига, улар ёрдамида қадимий қарвон йўлларини аниқлаш имкони борлигини ҳам қўшиш мумкин. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари топонимияси таркибида ҳозиргача сақланиб қолган ва қадимий қарвон йўллари билан алоқадор бўлган айрим жой номларни таҳлил қилиб улар ёрдамида вилоят ҳудудидан ўтган қадимий қарвон йўлларини аниқлашга ҳамда уни харита-чизмада кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг қулай географик ўрни ўрта асрларда Мўғулистон, Хитой, Шарқий Туркистон билан Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тарозни боғлайдиган қарвон йўлларининг ушбу ҳудуддан ўтишида муҳим аҳамият касб этган. [4] Шу сабабдан, ушбу минтақа вилоят топонимияси таркибида бевосита қарвон йўллари билан боғлиқ бўлган жой номлари кўп ва улар қаторига Хайробод, Равот, Ём, Бекат, Сардоба, Савот, Сарбозор, Кўҳнабозор, Бозоржой, Чимкўрғон, Қаровултепа, Жўлангар каби аҳоли пунктлари номларини киритиш мумкин. Қадимий қарвон йўлларидан дарак берувчи бундай тарихий топонимлар ҳозиргача асл ҳолида ёки қисман ўзгаришлар билан сақланиб қолган.

Ўрганилаётган мавзуга ойдинлик киритиш мақсадида минтақалар ҳудудидаги қадимий қарвон йўлларида жойлашган айрим ойконимларни шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Маълумки, ойконимлар барча топонимлар орасида тарихий ва лисоний жиҳатдан энг қимматли ёдгорликлар бўлганлиги сабабли, тарихий манбаларда улар кўпроқ қайд қилинган. Масалан, ана шундай тарихий мақомга эга бўлган жой номларидан бири Жиззах ва Сирдарё вилоятлари туташган ҳудудда, яъни Янгиобод туманидаги Савот қишлоғидир.

Академик А.Р.Мухаммаджонов қишлоқ номини шундай таърифлаган, “шу жойдан, яъни Уструшонанинг Себат рустокидан Буюк Ипак йўли уч тармоққа (Шош, Фарғона, Уструшона) бўлиниб кетган. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида биттадан работ-қарвонсаройлар мавжуд бўлган ва Себат (форсий, се - “уч”, бат - “работнинг қисқарган шакли”) уч работ маъносини ифодалайди”. Ўрта аср араб географлари Муқаддасий, Ибн Ҳавқал, Истахрий асарларида ҳам қишлоқ тўғрисида маълумотлар бор ва улар ҳам қишлоқни катта қарвон йўли устида жойлашганлигини таъкидлашган. Географик ўрни қулай бўлган Себатда ўрта асрларда Уструшонадаги ягона машҳур ёпиқ бозор (тим) ҳам бўлган.[3]

Кейинги йилларда мутахассислар томонидан олиб борилган археологик изланишлар натижасида, Нурота тизмасининг шимолий этагидан Мирзачўл орқали қарвон йўллари ўтганлиги ва шу атрофдаги аҳоли манзилгоҳларига яқин жойларда равот-қарвонсаройлар, сардобалар қурилганлиги исбот қилинган. Хоразм ва Бухородан келиб Шош ва Фарғонага томон борадиган қарвонлар учун энг қисқа йўл Қизилкумнинг жанубий сарҳадлари билан Нурота тоғларининг шимолий этаги оралиғида, яъни ҳозирги Фориш тумани ҳудудидан ўтадиган қарвон йўли бўлган. Мирзачўл орқали ўтадиган бу қарвон йўли ниҳоятда қуруқ, сувсиз бўлишига қарамай, йўли қисқа ва беҳатар бўлганлиги туфайли ўрта асрларда серқатнов ҳисобланган.

Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳозирги Фориш туманининг Калтепа деган жойида қарвонсарой ва сардоба қурилган. Улар Мирзачўл орқали ҳаракат қиладиган қарвонлар учун дам олиб сув ва озиқ-овқат ғамлаш имконини берган. Қарвон йўли ҳозирги Зафаробод тумани қарашли Чимқўрғон шаҳарчаси яқинида иккига бўлинган, бири Сангзор (Қили) дарёси ёқалаб жануби-шарққа Жиззахга, иккинчиси шимоли-шарққа қараб Тошкентга борган.

Мирзачўл орқали Шошга борадиган қарвон йўлида ўрта асрларда бир неча сардобалар қурилган. Қарвонларни сув билан таъминлаб турадиган сардобалар кейинча бузилиб кетган, харобаси қолган. Улардан фақат биттаси ҳозирги Сирдарё вилоятнинг Сардоба тумани ҳудудида ҳозиргача сақланган. Сардоба сўзи форс-тожик тилида сард -“совуқ, муздек”, об -“сув” маъносини билдиради. Сардоба - суви кам жойларда сувнинг кўп

буғланиб кетишига ва ифлосланишига йўл қўймаслик учун, ғиштдан махсус қурилган гидротехник иншоотдир.

Сардобалар асосан қадимий карвон йўлларида қурилган. Усти гумбазсимон қилиб ёпилган, тагига тош терилган, ўртасида сув ерга шимилиб кетаслиги учун баъзиларини ҳовузи тагига пишиқ ғишт ётқизилган. Сардоба гумбазида уч томондан вентиляция дарчаси, ёмғир сувини тўплаш учун устида мўриси ва сувдан фойдаланиш учун одам кириб чиқадиган эшиги бўлган. Сардобаларнинг суви тиниқ ва чучук бўлиб, узоқ муддат ичишга яроқли ҳолда сақланган. Археолог олим, академик М.Е.Массоннинг ёзишича, баъзи бир сардобаларнинг суви уч йилгача ичишга яроқли бўлган.[2]

Ўрганилаётган вилоятлар топонимияси таркибида Сарбозор, Бозоржой, Кўҳнабозор каби аҳоли пунктлари номлари ҳам бевосита қадимий карвон йўлларида ташкил этилган карвон савдоси, бозорлар билан боғлиқ. Масалан, Фориш туманида Кўҳнабозор номли ойконим мавжуд. “Жиззах тарихи” китобининг муаллифи, тарихчи олим Ҳ.Ҳайдаровнинг ёзишича, ўрта асрларда ҳозирги қишлоқ ҳудудида катта бозор бўлган, унда чорва ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари кўтарасига сотилган. Бозорга қўшни мамлакатлардан ҳам (Хитой, Афғонистон, Эрон) савдогарлар келиб турган ва ўша мамлакатлардаги нарх-навони билишган.[3]

Ҳозирда Жиззах вилоятининг Зарбдор, Фориш, Ғаллаорол ва Шароф Рашидов туманлари ҳудудида Равот номли қишлоқлар бор. Равот географик ном сифатида Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ҳудудида ҳам кенг тарқалган. Чунки, ўрта асрларда карвон йўллари ёқасида қурилган ва карвон тўхтаб ўтадиган жой, меҳмонхона равот деб аталган. Баъзи тарихий манбаларда, равотлар - ўрта асрларда арабларнинг мустаҳкамланган қароргоҳи, дастлаб (ислом дини тарқала бошлаган даврда) ғозийларга мўлжаллаб қурилган махсус бино дейилган.

Аммо, мутахассислар орасида Мовароуннаҳрда равотлар айнан араблар тамонидан барпо этилганлиги тўғрисида муштарак фикр йўқ. Бизнингча, равотлар араблар истилосидан олдин ҳам карвон йўллари ёқасида қурилган ва карвон тўхтаб, тунаб ўтадиган жой сифатида хизмат қилган, кейинчалик ислом дини тарқала бошлаган даврда араблар ундан қароргоҳ сифатида фойдаланган бўлиши мумкин [5].

ХУЛОСА

Юқоридаги топонимик таҳлилларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

- а). Ҳар қандай географик ном - бу дунёни англаш маҳсули, унда муайян бир ҳудуддаги кишиларни кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари, муомаласи, ҳаттоки, психологик ҳолати ўз ифодасини топган.

- б) Тарихий топонимлар инсониятни географик муҳитдаги объектив ҳодиса-воқеаларни қанчалик англаб олиш жараёнини ўзида акс этади. Бу жараён албатта, кишиларни ижтимоий ҳаёти, миллий ва маънавий қадриятлари, маҳаллий аҳолини этник таркиби, миграцияси, тил тарихи ҳамда уларни ўраб турган табиий-географик муҳит билан чамбарчас боғлиқдир.

- в). Тарихий топонимлар миллий қадриятларни ажралмас таркибий қисми сифатида ёш авлодни етук, баркамол ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. -М.; 1979.
2. Khudoyberdiyevich, D. A., & Rakhmonkulovich, N. K. (2018). The contribution of sarah sviri to the study of the scientific heritage of hakim tirmidhi. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 8(11), 60-67.
3. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоба. -Т.; 1935.
4. Nematov, O. (2018). Historical and religious monument of muhammad sharif (Mevlanagrekushoh). *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 7(9), 448-452.
5. Муҳаммаджонов А.Р. Работ атамаси этимологияси. -Т.; 1995.
6. **Mirkomil, G., Bakhtiyor, Z., & Difuza, I. (2020). Predicting Changes In Landscapes Around The Aydar-Arnasay Lake System. *The American Journal of Engineering and Technology*, 2(10), 6-12.**
7. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихи. -Т.; 1997.
8. Yunusova, G. D. (2020). AUXILIARY VERBS IN KOREAN LANGUAGE THAT MEAN COMPLETION, PRESERVATION, REPETITION, AND INTENSIFICATION. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(7), 4213-4220.
9. Ҳакимов Қ.М. Топонимика. -Т.; 2016.
10. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. -Т.; 1965.